

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ****Избоскан тумани****2023 йил 8 сентябрь**

Избоскан туманлараро иқтисодий судининг судьяси Р.Асқаров раислигида, Ф.Умаровнинг котиблигида, [REDACTED] [REDACTED]нинг манфаатини кўзлаб, “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси ҳисобидан 254 145 128 сўм техник пахта ҳом-ашёси маҳсулот ҳақи, 38 121 769 сўм жарима ва 76 740 991 сўм уруғлик пахта устама пулини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни, Кенгаш вакили [REDACTED], даъвогар фермер хўжалик раҳбари [REDACTED], жавобгар вакили [REDACTED] (ишончнома асосида)лар, ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган уруғчиликни ривожлантириш маркази Андижон вилоят бошқармаси вакили [REDACTED], Избоскан туман қишлоқ хўжалик бўлими [REDACTED] (ишончнома асосида)лар иштирокида, Избоскан туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

[REDACTED] (бундан буён матнда “Кенгаш” деб юритилади) [REDACTED] (бундан буён матнда “Даъвогар” деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси (бундан буён матнда “Жавобгар” деб юритилади) ҳисобидан 254 145 128 сўм техник пахта ҳом-ашёси маҳсулот ҳақи, 38 121 769 сўм жарима ва 76 740 991 сўм уруғлик пахта устама пулини ундиришни сўраган.

Ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Уруғчиликни ривожлантириш маркази Андижон вилоят бошқармаси ва Избоскан туман қишлоқ хўжалиги бўлими жалб қилинган.

[REDACTED] вакили суд мажлисига қадарли ишни кенгаш вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраб илтимоснома тақдим этган.

Даъвогар фермер хўжалик раҳбари ва унинг вакили суд мажлисида иштирок этиб, фермер хўжалиги билан кластер ўртасида 30.08.2022 йил 180-сонли пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб бериш шартнома тузилганлигини, шартнома бўйича кластер томонидан фермер хўжалигига шартнома суммасининг 50 фоизи миқдорида аванс ва якуний маблағларни ўтказиб берганлигини, жавобгар томонидан шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаганлигини, жавобгар томонидан асоссиз равишда бўйин товлаб тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлигини, шартнома шартларига асосан жавобгардан 15 фоиз миқдорида жарима ундириб беришни



шунингдек, шартномада уруғлик пахта учун устама тўланиши белгиланганлигини, шартномада етказиб берилган уруғлик пахта учун тўлов уруғлик тозаланиб, саралангандан кейин амалга оширишига келишилганлигини билдириб, даъво тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар вакили иштирок этиб, фермер хўжалиги билан 30.08.2022 йилда 180-сонли пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб бериш шартнома тузилганлигини, даъвогарга шартнома суммасининг 50 фоизи миқдорида аванс ва якуний маблағларни ўтказиб берганлигини, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2022 йилнинг сентябрь ойида чиқарилган тавсиявий нарх 2022 йил учун деб кўрсатилмаганлигини, ушбу нарх 2023 йил учун чиқарилганлигини, даъво талабидаги уруғлик пахта учун устама тўловини тўлаш юзасидан шартномада 2023 йил 31 декабргача этиб белгиланганлигини, жамият томонидан фермер хўжалигига қисман тўловлар амалга оширилганлигини, жамиятнинг иқтисодий ҳолати яхши бўлмагани сабабли тўловларни тўлиқ амалга ошираолмаганлигини билдириб, даъво талабидаги жарима ва устама маблағларини ундиришни рад этишни сўради.

Ишга жалб қилинган Уруғчиликни ривожлантириш маркази Андижон вилоят бошқармаси вакили суд мажлисида иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 январдаги “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёсини етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2-сонли қарори асосида уруғлик учун тўловлар тартиби белгиланганлигини маълум қилди.

Ишга жалб қилинган Избоскан туман қишлоқ хўжалиги бўлими суд мажлисида иштирок этиб, иш юзасидан маълумот тақдим этди.

Суд,

нинг илтимосномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси 3-қисмига асосан, ишни кенгаш вакили иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд, тарафларнинг вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш материалларини ва тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, даъво талабларини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Чунки, тарафлар ўртасида 30.08.2022 йилда “Пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича” 180-сонли шартнома тузилган, шартномада 1 тонна пахта хом ашёсининг дастлабки тахминий нархи 8 000 000 сўм деб белгиланган.

Мазкур шартноманинг 4.1-банди в-хатбошисида, 2022 йил харид нархлари маълум қилингунга қадарли 2021 йил ўртача тахминан харид нархи (2 сорт 1 синф) бўйича шартномани тузиб туришга келишилган.

Бундан кўринадики, пахта хомашёларнинг нархлари бевосита эълон линадиган нархларга боғлиқ бўлиб, ушбу эълон қилинган нархлар йича ҳисоб - китобларни амалга ошириш белгиланган.



Даъвогар 2022 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Анд-35 навли 123 944 кг пахта хом ашёсини жавобгарга топширган, жавобгар томонидан 2022 йилнинг пахта хом ашёларни қабул қилиб олган, қабул қилиш варақалари жавобгар томонидан расмийлаштирилган, электрон тарзда тузилган ва бир тонна пахта хом ашёнинг нархини қабул қилиш варақаларида топширган навларига қараб нархлар белгиланган.

Аммо қабул қилиш варақлари жавобгар томонидан имзолаш учун фермер хўжалигига электрон шаклда юбормаганлиги сабабли қабул қилиш варақалари электрон ключ орқали имзоланмаган, шундан сўнг фермер хўжалиги 03.09.2022 йилда 5-сонли, 31.12.2022 йилда 7-сонли, ҳисоб-фактураларни қабул қилиш варақаларида кўрсатилган нархдан ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан хизматда фойдаланиш учун юборилган тавсиявий нархдан келиб чиқиб расмийлаштирилган ва жавобгарга юборилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорининг 2-иловаси “Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида” Низомнинг 63-бандида, етказиб берувчи томонидан тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактура ўн календарь кун, рақамли маркировкаканиши лозим бўлган маҳсулотлар бўйича эса бир календарь кун ичида сотиб олувчи томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ёки сабаби кўрсатилган ҳолда рад этилиши шарт. Сотиб олувчи томонидан белгиланган муддатда тасдиқланмаган ёки рад этилмаган электрон ҳисобварақ-фактура тасдиқланган ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжалиги томонидан топширилган пахта хом ашёлари бўйича юборилган счёт-фактураларни жавобгар томонидан қўшимча қиймат солиқлари билан бирга ҳисобланган ҳолда қабул қилган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган шартномани 4.1-бандининг б-хатбошисида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сонли қарорининг 3-бандида, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритилишини таъминлансин деб кўрсатилганлиги ушбу шартнома шартларида инобатга олиниши белгиланган. Шу муносабат билан тарафлар пахта хомашёси харид қилиш нархи бўйича ўзгартиришлар киритиб боради ҳамда юқоридаги идора ва вазирликлар томонидан эълон қилинган нархлар асосида ўзаро ҳисоб китобларни қайта амалга оширади деб келишилган.

Яъни, шартнома тузилганидан кейин топширилаётган пахта хомашёси баҳоси ўзгартирилишини тарафлар шартномада белгилаб қўйилган,



шу сабабли шартномага тегишли ўзгартириш киритиш ҳақида қўшимча келишув тузиш талаб қилинмайди.

Қолаверса, мазкур шартноманинг 4.5-банди бўйича, хўжаликка етказиб берган маҳсулот қийматини 100 фоизи ҳисобидан терим учун юборилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилганидан қолган қисми 2022 йилининг 31 декабрга қадарли жавобгар тўлаб бериш мажбуриятини олган. Бироқ, жавобгар ушбу мажбуриятини тўлиқ бажармасдан келган.

Даъвогар томонидан 2022 йилда Анд-35 нави бўйича 123 944 кг пахта хом ашёларини тавсиявий нархдан келиб чиқиб жавобгарга топширган, даъвогар томонидан топширилган пахта хом ашёларни жавобгар вакиллари электрон қабул қилиш варақаларини расмийлаштирган ҳолда қабул қилиб олган, қабул қилиш варақаларини жавобгар вакиллар 1 тонна пахта хом ашёнинг нархини тавсиявий нархдан келиб чиқиб расмийлаштирган.

Пахта хомашёларни жавобгар вакиллари томонидан қабул қилиб олинганлиги тасдиқланганлиги, фақатгина нархига эътирози борлиги сабабли суд, пахта хом ашёсини даъвогар томонидан топширилган, жавобгар томонидан эса қабул қилиб олган деб ҳисоблайди.

Зеро, ФК 465-моддасининг биринчи қисмига кўра, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

ФК 356-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра, шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади, шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонунчилик ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

ФК 418-моддасининг биринчи қисмига биноан, сотиб олувчи товар ҳақини ушбу Кодекснинг 356-моддасига мувофиқ белгиланадиган баҳода тўлаши, шунингдек қонунчилик, олди-сотди шартномаси ёки одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни ўз ҳисобидан бажариши лозим.

ФКнинг 363-моддасига биноан суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шarti аниқ бўлмаса, унинг асл маъноси уни бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқланади. Агар ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар шартноманинг мазмунини аниқлаш имконини бермаса, тарафларнинг ҳақиқий умумий хоҳиш-иродаси шартноманинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Бунда барча тегишли ҳолатлар, жумладан шартнома тузиш олдидан олиб борилган музокаралар ва ишмалар, тарафларнинг ўзаро муносабатларида қарор топган амалиёт,



иш муомаласи одатлари, тарафларнинг кейинчалик ўзларини қандай тутганлиги эътиборга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сонли қарори 2-бандининг “а” кичик бандида 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом-ашёсининг харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилиши белгиланган.

Ушбу қарорнинг 3-банди билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Мазкур қарор талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ Хўжалиги Вазирлиги томонидан 02.11.2021 йилда 04/024-4454-сонли 2021 йил учун, 07.09.2022 йилда 03/28-04/6337-сонли 2022 йил учун ва 2023 йилда 03/24-08/4-сонли 2023 йил учун хизматда фойдаланиш учун хатлар билан тавсиявий нархлар белгиланган, эълон қилинган ва хизматда фойдаланиш учун юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан хизматда фойдаланиш учун 2022 йилда юборилган тавсиявий нархларда 37-36 нави бўйича 1-сорт 1-синф бўйича 1 тонна пахта хом ашёсининг нархи 10 025 000 сўм, 37-36-нав 1-сорт 2-синф бўйича 1 тонна пахта хом ашёсининг нархи 9 768 000 сўм, 35-нав 1-сорт 1-синф бўйича 1 тонна пахта хом ашёсининг нархи 9 890 000 сўм, 35-нав 1-сорт 2-синф бўйича 1 тонна пахта хом ашёсининг нархи 9 636 000 сўм деб белгиланган.

Бундан кўринадикки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йили тавсиявий нархлар эълон қилиниб келинган.

Даъво талабидаги асосий қарздорликнинг ҳисоб-китоблари ўрганилганида, даъвогар томонидан жами 1 317 912 507 сўмлик сўмлик пахта хомашёларини жавобгарга етказиб берган, олдиндан ўтказилган аванс, терим пули, ташиш билан бошлиқ ва якуний ҳисоб китоблари билан бирга 1 147 041 159 сўмлик ҳисоб китоб қилинган бўлиб, қолдик 170 871 348 сўм қарздорликни ўтказиб бермаганлиги аниқланди.

Даъвогар эса жавобгар томнидан ўтказилган маблағларни ҳисобга олмасдан пахта хом ашёси учун 254 145 128 сўм асосий қарздорликни ундириб беришни сўраб, даъво аризани 03.08.2023 йилда тақдим этган. Алида даъво ариза тақдим этилган вақтда жавобгарнинг 170 871 348 сўм қарздорлиги мавжуд бўлган.

Суд, даъвогарнинг даъво талабидаги 254 145 128 сўмдан асосиз қисмини чегириб ташлаган ҳолда қолдиқ 170 871 348 сўм асосий қарздорликни қаноатлантиришни, қолган қисмини рад қилишни лозим топди.



Суд, даъво талабидаги жарима ундириш қисмини муҳокама қилган ҳолда гарчанд тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари мавжуд бўлсада, бироқ жавобгар томонидан пахта хомашёнинг 50 фоизидан ортиқроғ қийматини тўлаб берганлиги инобатга олиб, жаримани камайтиришни лозим топди.

Жариманинг ҳисоб китоби ўрганилганида, даъвогар 254 145 128 сўм асосий қарздорликнинг 15 фоизи 38 121 769 сўмни ундиришни сўраган.

Аслида эса тўланмаган асосий қарздорлик суммаси 170 871 348 сўмни ташкил қилган, ушбу сумманинг 15 фоизи 25 630 702,2 сўмни ташкил қилади.

Суд, жавобгар томонидан топширилган пахта хом ашёларининг 50 фоизидан юқорироқ қисмини тўлаб берганлигини инобатга олиб, асосли бўлган 25 630 702,2 сўм жариманинг 12 815 352 сўмини қаноатлантиришни, қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Зеро, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.4-бандининг биринчи қисмида, топширилган пахта хом ашёси ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлагани учун “Харидор” “Хўжалик”ка белгиланган устамалар тўланиши инобатга олинмаган ҳолда асоссиз бўйин тўлашдан бўйин товлаган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди деб келишилган.

ФКнинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Аммо, ФКнинг 326-моддасига мувофиқ, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинishi керак. Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли Қарорининг 2-бандида эса, шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланади. Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт деб тушунтириш

рилган.



Суд, даъво талабидаги уруғлик пахта устама пулини ундириш қисмини муҳокама қилган ҳолда, даъвогар томонидан ушбу талаб бўйича барвақт даъво киритилган деб баҳолаб, ушбу даъво талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Чунки, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 4.4-бандининг иккинчи қисмига кўра, етказиб берилган уруғлик пахта учун олган ҳақни “Харидор” уруғлик тозаланиб, саралангандан кейин, лекин 2023 йил 1 декабрдан кечиктирмасдан тўлиқ тўлаб беришга келишилган.

ФКнинг 364-моддасига кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

ФКнинг 384-моддасига асосан, шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади.

ИПКнинг 68-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган далилларни ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдида, агар ушбу Кодексда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суд мажлиси бошлангунига қадар ёки суд белгилаган муддат доирасида очиб бериши лозим.

Суд, даъвогарнинг уруғлик пахта ҳақини ундириш талаби бўйича жавобгар томонидан шартномада белгиланган муддатда тўловлар қилинмаган тақдирда алоҳида даъво ариза тартибида асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ИПКда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш беришни лозим топди.

Суд, ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилган ҳолда давлат божини тарафлар ўртасида мутаносиб равишда тақсимлашни лозим топди.

Чунки, ИПКнинг 118-моддасини биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади, олтинчи қисмига биноан, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунида кўрсатилган талаблар бўйича мулкий тусдаги даъво аризаларидан - даъво баҳосининг 2 фоизи миқдоридан, лекин базавий ҳисоблаш миқдоридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи ундирилади деб кўрсатилган.

Қайд этилганларга қонун нормаларни инобатга олган ҳолда суд, даъво талабининг 170 871 348 сўм асосий қарздорлик ва 25 630 702,2 сўм



